

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИНИНИНГ ЭВОЛЮЦИОН БИОЛОГИК ИЛДИЗЛАРИГА НАЗАР

Душаев Акбаржон Жаникулович

Гулистон давлат университети

“Психология ва Ижтимоий фанлар” факультети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада дахлдорлик (интроверсия ва экстраверсия элементлари) туйғусининг эволюцион-биологик механизмлари таҳлил қилинади. Муаллиф инсон психологиясидаги ички боғлиқлик ва ижтимоий алоқага бўлган эҳтиёжнинг эволюция жараёнида шаклланишини генетик ва биологик жиҳатдан асослаб беради. Тадқиқот давомида миёдаги нейробиологик тизимларнинг ижтимоий сигналларга реакцияси ва бунинг турмувотанатидаги ўрни кўриб чиқилади. Мақола эволюцион адаптация механизми сифатида дахлдорлик туйғусини тушунишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: дахлдорлик, эволюцион биология, адаптация, нейробиология, ижтимоий инстинкт, генетик механизмлар.

Инсон ва унинг туйғулари ижтимоий фанларнинг энг асосий мавзуларидан ҳисобланади. Чунки инсон тирик мавжудотлар орасида энг ақлли ва энг ваҳшийлиги ва эҳтиёжлари чексизлиги билан ажралиб туради. Инсонда руҳий кечинмалар ҳам ўта кучли. Руҳият кечинмалари инсоннинг иррационал тафаккурининг маҳсули ҳисобланади. Мана шундай руҳий туйғулардан бири дахлдорлик туйғуси ҳисобланади. Дахлдорлик туйғуси (мансублик эҳтиёжи) — инсон руҳиятининг энг чуқур, фундаментал эҳтиёжларидан биридир. Дахлдорликнинг туб илдизи, яшаб қолиш (эволюцион зарурат) ва ўзликни англаш эҳтиёжига бориб тақалади. Бу туйғунинг туб илдизи психологик, биологик, ижтимоий омилларга бориб тақалади. Инсоннинг жамоавий мавжудотлиги ўзи ва жамоа учун дахлдорлик туйғусини шакллантирди. Ибтидоий даврларда ёлғиз қолган инсон учун табиат қўйнида яшаб қолиш имконсиз эди. Бундай шароитда гуруҳга мансублик, хавфсизлик, озиқ-овқат топиш ва авлодни давом эттиришнинг ягона кафолати бўлган. Шу сабабли, инсон тафаккури эволюция жараёнида гуруҳдан ажралишни "ўлим хавфи" сифатида қабул қилади.

Инсон мени ва унинг юқори шакли бўлган ўзлиги рақобатлар ва яшаб қолиш учун кураш шароитида шаклланиб борар экан, мен кимман ва менинг қандай ўрним бор деган долзарб савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб доим "Мен фалончи гуруҳнинг (оила, миллат, касб эгалари, жамият) аъзосиман" деган дахлдорлик орқали шаклланади. Дахлдорлик турли босқичларда кенгайиб

бораверади. Оилага, уруғга, элга, миллатга, келажакка, ватанга дахлдорлик шулар жумласидан.

Мазкур туйғунинг туб асосларини ўрганиш жараёнида турли антропологик концепциялар шаклланди. Антропология ва ижтимоий фалсафада дахлдорлик туйғусини бир нечта йирик концепциялар билан мукаммал изоҳлаш мумкин. Улардан энг асосийлари қуйидагилар:

Ибн Халдуннинг "Асабия" (Ижтимоий жипслик) концепцияси. Ибн Халдуннинг "Асабия" назарияси бу туйғуни мукаммал тушунтиради. Асабия — бу қон-қариндошлик, умумий манфаат ёки ғоя атрофида бирлашган одамлардаги умумийлик, бир-бирини ҳимоя қилиш ва дахлдорлик туйғусидир. Ибн Халдун фикрича, инсон табиатан ижтимоий мавжудотдир (маданий антропология асоси) ва у ўз хавфсизлиги ҳамда эҳтиёжларини қондириш учун бошқалар билан бирлашишга мажбур. Бу бирлашиш ички бирдамлик ва дахлдорлик туйғусини (асабияни) яратади. Бу туйғу давлатлар ва маданиятларни барпо этувчи асосий кучдир¹.

Замонавий антропологияда дахлдорлик туйғуси биоантропологик нуқтаи назардан изоҳланади. Эволюцион антрополог Робин Данбар одамсимон приматлар ва инсон бош миёси (неокортекс) ҳажмини ўрганиб, инсон миёси айнан катта ижтимоий гуруҳларда алоқаларни сақлаб қолиш ва дахлдорликни ҳис қилиш учун ривожланган деган хулосага келади. Данбар сони (тахминан 150 та барқарор алоқа) инсон ўз ижтимоий гуруҳига дахлдорлигини ҳис қила оладиган максимал чегарани кўрсатади. Дахлдорлик - бу миёмизнинг ички коди бўлиб, у ижтимоий тўқимани парчаланиб кетишдан асрайди.

Социолог олим Эмиль Дюркгеймнинг структурализм ва функционализм ва "Жамоавий онг" концепциясида ҳам дахлдорликни туб илдизини очиб беради. Жамият аъзолари умумий қадриятлар, рамзлар ва ритуаллар (маросимлар) орқали бир-бирига боғланади. Дюркгейм бўйича, диний ёки ижтимоий маросимлар жараёнида инсон ўз индивидуаллигидан юқори турувчи катта бир кучга - жамоага дахлдорлигини ҳис қилади. Бу туйғу инсонни ёлғизлик ва мақсадсизлик (аномия) ботқоғидан қутқаради¹.

Замонавий антропологияда дахлдорликни тушунтирувчи асосий концепциялар ва ёндашувларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

Дахлдорлик сиёсати (Politics of Belonging)-Нзира Ювал-Дейвис (Nira Yuval-Davis) томонидан шакллантирилган бу концепция дахлдорликнинг фақат ҳиссий эмас, балки сиёсий ва ҳокимият муносабатлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Мазкур ғояга кўра дахлдорлик ҳамиша чегаралар (ким ичкарида, ким ташқарида) билан белгиланади¹.

Давлатлар ёки устувор ижтимоий гуруҳлар кимнинг "ҳақиқий" дахлдор эканини назорат қилишга интилади (масалан, фуқаролик, миграция қонунчилиги орқали). Антропологлар бу жараёнда "биз" ва "улар" дихотомияси (иккига

ажралиши) қандай яратилишини ва марказлашган ҳокимият тузилмалари дахлдорликни қандай қилиб истисно қилиш (exclusion) қуролига айлантиришини ўрганадилар.

Классик антропология "маданият = география" (муайян халқ муайян ҳудудда яшайди) формуласига таянар эди. Замонавий концепциялар эса бу тизимни бузади.Энди инсоннинг бошқа ҳудуларда яшаши ҳам инобатга олинмоқда. Миграция шароитида инсон ўз ватанидан жисмонан узилган (displaced) бўлса-да, янги жойда рамзий ва ижтимоий ритуаллар (масалан, миллий таомлар, маҳаллий жамоавий тадбирлар) орқали янги дахлдорлик туйғусини яратади. Жой — бу шунчаки география эмас, у ижтимоий муносабатлар ишлаб чиқиладиган макондир.

Кейинги вақтларда трансмиллий дахлдорлик (Transnational Belonging) тушунчаси ҳам кўпгина муҳокамалар марказида бўлиб қолмоқда. Бу концепция глобаллашув натижасида инсонлар бир вақтнинг ўзида бир нечта жамиятга дахлдор бўлиши мумкинлигини асословчи концепция бўлиб, мигрант ёки релокант ўз тарихий ватани билан ҳам (рақамли алоқалар, пул ўтказмалари, сиёсий қизиқишлар орқали), ўзи яшаб турган янги давлат билан ҳам фаол маданий-ижтимоий алоқада бўлади. Бу ерда дахлдорлик "ё у ерлик, ё бу ерлик" эмас, балки "ҳам у ерлик, ҳам бу ерлик" (гибридлик) шаклини олади.

Техноантропология ва рақамли антропология йўналишлари ривожланиши билан жисмоний макон умуман шарт бўлмаган дахлдорлик шакллари пайдо бўлди.Рақамли жамоалар: Онлайн форумлар, ижтимоий тармоқлардаги геймерлар, қизиқишлар гуруҳлари ёки рақамли диаспораларнинг бир-бирлари олдидаги маъсулиятлари ёзилмаган қонуниятга айланиб бормоқда.Инсонлар жисмоний яқинликдан кўра, рамзлар (мемлар, эможилар) ва виртуал ритуаллар орқали бир-бирларига кучлироқ дахлдорлик ҳис қилишлари мумкин. Бу ерда материаллик (жисмоний борлик) ўрнини рамзийлик эгаллайди.Замонавий антропологияда дахлдорлик динамик, қатламли ва доимий ҳаракатдаги жараён деб қаралади. Сиз ўзингизни бир вақтнинг ўзида оилангизга, маҳаллангизга, давлатингизга ва глобал рақамли ҳамжамятга бирдек дахлдор ҳис қилишингиз мумкин ва бу дахлдорликлар бир-бирини инкор этмайди.

Умуман олганда дахлдорлик туйғусининг туб илдизи - биологик яшаб қолиш ва маънавий ўзликни англаш уйғунлигидадир. Уни антропологик жиҳатдан энг гўзал ва классик тарзда Ибн Халдуннинг "Асабия" концепцияси (ички ижтимоий қувват ва бирдамлик сифатида) ҳамда замонавий эволюцион антропология (миянинг ижтимоий мослашуви сифатида) билан изоҳлаш энг тўғри ёндашув ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Buss, D. M. (2019). Evolutionary Psychology: The New Science of the Mind. Routledge.
2. Dunbar, R. I. M. (1992). Neocortex size as a constraint on group size in primates. Journal of Human Evolution.
3. Абдуллаев, А. (2000-йиллар). Эволюция ва биологик турларнинг ривожланиши.
4. Қозиев, Ш. 2010-й Биология факультитети дарслик ва қўлланмалари.
5. Раҳимов, Р. Р. (2005). Психологиянинг асослари.
6. Қаҳҳоров, С. (2010-йиллар). Инсон психологияси ва ижтимоий муносабатлар.
7. Махмудов, А. (2015). Ижтимоий психология ва хулқ-атворнинг шаклланиши.
8. Азизов, Х. (2000-йиллар). Нейропсихология ва мия фаолияти.